



## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Сотволдиев Шукурилло Хайруллаевич  
ИИБ академияси магистратура тингловчиси  
А.А. Абдулхаев

ИИБ академияси магистратура тингловчиси  
Магистратура Бошқарув фанлари кафедраси  
катта ўқитувчиси подполковник  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20955312>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-iyun 2026 yil  
Ma'qullandi: 25-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 27-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

тезкор-қидирув фаолияти,  
тезкор-қидирув фаолиятига  
кўмаклашувчи шахслар, махфий  
ҳамкорлик, конфидент, тезкор  
ахборот, тезкор бўлинма,  
ҳуқуқий мақом, ҳуқуқий  
кафолатлар, Мустақил  
Давлатлар Ҳамдўстлиги,  
қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, ҳуқуқни  
муҳофаза қилувчи органлар,  
миллий қонунчилик, тезкор  
хизматлар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатларда тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахслар институтининг ҳуқуқий табиати, мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон ҳамда бошқа МДҲ давлатларининг тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ўрганилиб, тезкор бўлинмаларга махфий ва ошкора асосларда кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хавфсизлигини таъминлаш кафолатлари ҳамда ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари ёритилган. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда мавжуд умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахслар деганда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хизмат фаолиятини самарали ташкил этишда уларга ўз ихтиёри билан ёрдам беришга рози бўлган фуқароларнинг амалий ҳамкорлик жараёнига айтилади.

Тезкор-қидирув фаолияти молиявий таъминлаш масаласида МДҲга аъзо давлатларнинг ТҚФ тўғрисидаги қонун нормаси ўрганилганида қуйидагилар намоён бўлади. Хусусан, Украина Республикасининг “Тезкорқидирув фаолияти тўғрисида” қонунида: “мулкчилик шаклидан қатъий назар давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассасалар, ташкилотлар, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда тезкор бўлинмаларга ёрдам беришлари, Шахсларни илтимосига кўра, тезкор бўлинмалар билан ношкора ҳамкорлиги ҳақида битимлар расмийлаштирилиши, ушбу битимлар томонлар ўртасида (тезкор ходим ва кўмаклашувчи шахслар ўртасида) тузилиши, битимни тузиш тартиби Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши,

ТҚФ

вазифаларини бажаришга жалб қилинган шахслар ўзига маълум бўлган сирларни сақлаши лозимлиги, агарда шундай маълумотлар ошкор қилинганида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, адвокатларни, нотариусларни, тиббиёт ходимларини, руҳонийлар, журналистларни тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини бажаришга жалб этиш тақиқланиши”(11-м)<sup>1</sup> мазмунидаги қоидаларнинг белгилангани, тезкор бўлинмаларнинг кўмаклашувчи шахслар билан битимлар тузилиши, шунингдек беш тоифадаги касб эгалари билан ҳамкорлик қилиш тақиқланиши ҳақида қоидалар белгиланганлиги маълум бўлди.

Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Қозоғистон Республикасининг давлат органлари, ташкилотлари, ҳарбий қисмлари ва жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва бошқа хизматлари ушбу қонуннинг 2-моддасида назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ёрдам кўрсатишлари ва ушбу органларнинг ўз ваколати доирасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилмасликлари, айрим фуқаролар уларнинг розилиги асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ноошкора (шу жумладан шартнома бўйича) тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишга жалб қилиниши, ушбу шахслар тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ёки ўтказиш пайтида уларга маълум бўлган маълумотларни сир тутиши, ТҚФ органларига қасдан ёлғон маълумотларни тақдим этмаслиги, бундай маълумотларни ошкор қилиш ва била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш учун Қозоғистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгилангани, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фуқаролиги, миллати жинси, ижтимоий ва мулкый ҳолати, маълумоти, жамоат бирлашмаларига мансублиги, сиёсий ва диний эътиқодидан қатъий назар вояга етган муомалага лаёқатли шахслар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш мумкинлиги, шартнома шакли, унинг амал қилиш шарти ва муддатлари идоравий норматив ҳужжатлар билан белгиланиши(13-м)<sup>2</sup> мазмунидаги қоидалар назарда тутилгани маълум бўлди.

Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “алоҳида шахсларнинг розилиги билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга, ҳамкорликнинг ноошкоралигини сақлаб қолган ҳолда шартнома асосида тезкор-қидирув тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашиш, ушбу шахслар тезкор-қидирув тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида уларга маълум бўлган маълумотларни сир тутиш ва ТҚФ органларига била туриб ёлғон маълумот бермасликлари, ТҚФни амалга оширувчи органлар фуқаролиги, миллати, жинси, мулкый ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, жамоат бирлашмаларига мансублиги, диний ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар, вояга етган муомалага лаёқатли шахслар билан шартномалар тузилиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга депутатлар, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, руҳонийлар ва расмий рўйхатдан ўтган диний

<sup>1</sup> Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-ХІІ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 22.06.2026).

<sup>2</sup> Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 22.06.2026).

бирлашмаларнинг ваколатли вакиллари шартнома асосида ноошкора ҳамкорликка жалб этиш тақиқланиши(17- м)<sup>3</sup> каби қоидалар баён этилган.

Қирғизистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “жисмоний шахсларни розилиги билан тезкорқидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга, ҳамкорликнинг ноошкоралигини сақлаб қолган ҳолда шартнома асосида тезкор-қидирув тадбирига тайёргарлик кўриш, ўтказишга кўмаклашиш, ушбу шахсларнинг тезкор-қидирув тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида уларга маълум бўлган маълумотларни сир тутиш ва ТҚФни амалга оширувчи органларига била туриб ёлғон маълумот бермасликлари, ТҚФни амалга оширувчи органлар фуқаролиги, миллати, жинси, мулкӣ ва ижтимоӣ мавқеи, маълумоти, жамоат бирлашмаларига мансублиги, диний ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар, вояга етган муомалага лаёқатли шахслар билан шартномалар тузилиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга депутатлар, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, руҳонийлар ва расмий рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг ваколатли вакиллари шартнома асосида ноошкора ҳамкорликка жалб этилиши тақиқланиши(20-м)<sup>4</sup> каби қоидаларнинг баён этилгани, Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормаси билан мазмунан бир хил эканлиги маълум бўлди.

Озарбайжон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Озарбайжон Республикаси давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари тезкор-қидирув фаолияти субъектларига ёрдам бериши, Озарбайжон Республикаси ҳудудидаги ҳар бир шахс тезкор-қидирув фаолияти субъектига ўз ваколатини амалга оширишда ёрдам бериши, бирон бир шахс мажбурий равишда ТҚФга мажбурий равишда жалб этилмаслиги, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажармаганлиги ёки уларга тўсқинлик қилиниши Озарбайжон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши (9-м)<sup>5</sup> мазмунида қоидалар баён этилган.

Литва Республикасининг “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “тезкор фаолият шахсларнинг ихтиёрий розилиги, ноошкора ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши, бундай ҳамкорлик фаол бўлганида пул мукофоти билан рағбатлантирилиши(14-м);тезкор фаолиятнинг яширин иштирокчилари бу тезкор фаолият субъектига тегишли бўлган тезкор фаолият субъектларини ходимлари, шунингдек тезкор фаолият субъектлари билан яширин ҳамкорлик тўғрисида ёзма шартномалар тузган ёки тезкор фаолият субъекти ходимлари билан яширин ҳамкорлик тўғрисида оғзаки битимлар тузган вояга етган шахслар ҳисобланиши, махсус тартиб қоидаларига амал қилиш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар билан ТҚФ субъектлари ва ходимлари томонидан оғзаки ва ёзма шартномалар тузилмаслиги, ноошкора ҳамкорлик тўғрисида оғзаки битимлар тузиш тартиби ва шартлари,

<sup>3</sup> Федеральный закон Российская Федерация от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (мурожаат вақти: 22.06.2026).

<sup>4</sup> Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg/> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

<sup>5</sup> Закон Азербайджанской Республики от 28 октября 1999 г. № 728-ІГ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://www.legal-tools.org/doc/7871f5/pdf/> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

ноошкора ҳамкорлик тўғрисида ёзма битимлар тузиш тартиби, шартлари ва намунавий шакллари тезкор фаолият субъектларининг асосий органлари томонидан белгиланиши, тезкор фаолият субъектларининг ходимлари, тезкор фаолият субъектларининг вазифаларини бажариб, афсонага кўра, бошқа корхоналарда, муассасаларда ёки ташкилотларда ишлаши ва бунинг учун улар қонунда белгиланган иш ҳақи ёки бошқа пул маблағини олиши, тезкор фаолиятнинг ноошкора иштирокчиси давлат ҳимоясида бўлиб, уларнинг шахсига доир маълумотлар давлат сирини ташкил этиши, тезкор фаолиятнинг ноошкора иштирокчилари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи, мулкига таҳдид бўлган тақдирда тезкор фаолият субъектлари қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ушбу шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўриши, тезкор фаолият субъекти томонидан яширин ҳамкорлик тўғрисида ёзма шартномалар ёки шахслар билан яширин ҳамкорлик тўғрисида оғзаки битимлар тўғрисида шикоятлар тезкор фаолият субъектларининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилиб, бундай мурожаатлар, шикоят келиб тушган вақтдан бошлаб 30 кун ичида кўриб чиқилиши(15-м); ваколатли прокурорнинг тақдимномасига биноан кўмаклашувчи шахсларнинг фойдаланиш усулини қўллаш суднинг санкцияси асосида белгиланган жойлар(объектлар)да амалга оширилиши (16-м)”<sup>6</sup> мазмунидаги қоидалар баён этилган.

Тожикистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда: “алоҳида шахсларнинг розилиги билан тезкорқидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга, ҳамкорликнинг ноошкоралигини сақлаб қолган ҳолда шартнома асосида тезкор-қидирув тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашиш, ушбу шахслар тезкор-қидирув тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида уларга маълум бўлган маълумотларни сир тутиш ва ТҚФ органларига била туриб ёлғон маълумот бермасликлари, ТҚФни амалга оширувчи органлар фуқаролиги, миллати, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди, маълумоти, ижтимоий ва мулкӣ ҳолати, лавозими, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъий назар вояга етган, меҳнатга лаёқатли шахслар билан ТҚФни амалга оширишда шартномалар тузилиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга депутатлар, судьялар, прокурорлар, адвокатларни шартнома асосида ноошкора ҳамкорликка жалб этиш тақиқланиши (17-м)”<sup>7</sup> мазмунидаги қоидалар Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикаси ТҚФ қонун нормаси билан мазмун жиҳатдан деярли бир хил эканлиги маълум бўлди.

Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда: “мулкчилик шаклидан қатъий назар, жисмоний ва юридик шахслар ихтисослаштирилган бўлинмаларга улар томонидан сўралган маълумотларни, кўчар ва кўчмас мол-мулкни, махсус-қидирув тадбирларини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа буюмлар, ҳужжатларни ўз ихтиёри билан тақдим этиши, почта алоқаси ва электрон алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ихтисослаштирилган бўлинмалар томонидан махсус-қидирув тадбирларини амалга ошириш учун зарур жиҳозлар ва техник ускуналарни тақдим этишлари, шунингдек ушбу тадбирлар мазмуни, усули,

<sup>6</sup> Закон Литовский Республики от 20 июня 2002 г. № IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

<sup>7</sup> Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.ncz.tj/content> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

тактикасининг махсус тартибини сақлаш чораларини кўришлари шартлиги”(16-м)<sup>8</sup> каби қоидалар белгиланган.

Беларусь Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “фуқароларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашиши ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан амалга оширилиши, ТҚФни амалга оширувчи органлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноошкора ҳамкорлик асосида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва (ёки) уларда иштирок этишга кўмаклашиш учун фуқароларни жалб этишлари, ТҚФни амалга оширувчи органлар, божхона органлари бундан мустасно, фуқаролиги, миллати, жинси, мулкый, ижтимоий ҳолати, диний ва сиёсий эътиқоди, маълумоти, жамоат бирлашмасига мансублигидан қатъий назар вояга етган фуқароларни ноошкора ҳамкорликка жалб қилиниши; шартнома тузиш тартиби, унинг намунавий шакли Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, Давлат чегара қўмитаси, Беларусь Республикаси Президентининг хавфсизлик хизмати, Беларус Республикаси Президенти ҳузуридаги тезкор-таҳлил маркази, Давлат назорат қўмитаси, Мудофаа вазирлиги томонидан белгилангани, ТҚФни амалга оширувчи органларга шартнома бўйича депутат, судья, прокурор, терговчи, адвокат, руҳоний ва диний ташкилотларнинг ваколатли вакиллари жалб қилиниши тақиқланиши(51-м); ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўришга ва унда иштирок этишга жалб этилган фуқароларни ушбу қонун, бошқа қонун ҳужжатига биноан ҳуқуқий ҳимоя кафолатланиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга ноошкора асосда кўмаклашган ёки кўмаклашаётган фуқароларни ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, хавфсизликни таъминлаш чорасини қўллаш кафолатланиши (52-м)”<sup>9</sup> каби қоидаларнинг назарда тутилгани ушбу қонун бўйича ТҚФни амалга оширишга кўмаклашаётган фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунида: “ТҚФни амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахслар давлат ҳимоясида бўлиб, ТҚФнинг амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахслар тезкор-қидирув фаолияти учун ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда тақдирланиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек уларни оила аъзоларининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига ҳақиқий таҳдид юзага келган тақдирда, ТҚФни амалга оширувчи органлар ушбу шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда махсус ҳимоя чора-тадбиридан бирини кўриши, ТҚФни амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, бу унинг меҳнат қилиш қобилятини йўқотишига ва ногиронликка олиб келган тақдирда, ушбу шахсга қонунчиликка мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланиб, ногиронлик пенсияси тайинланиши, ТҚФни амалга


<sup>8</sup> Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года № 59 «О специальной розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

<sup>9</sup> Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru/> (мурожаат вақти: 22.06.2026).

оширувчи органларга кўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда ҳалок бўлган тақдирда, марҳумнинг оила аъзосига ва қарамоғида бўлган шахсга қонунчиликка мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланиб боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсия тайинланиши, ТҚФни амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган, уюшган жинойий гуруҳ, жинойий уюшма орасига уларни фoш қилиш мақсадида киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жинойийлигини истисно қиладиган ҳолат мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмиши учун жинойий жавобгарликдан озод этилиши(24- м)<sup>10</sup> кабилар белгиланган.

Ўрганилган 10 та давлатларни “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун моддалари мазмунида назарда тутилган тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахслар билан ишлашга доир нормаларни ўрганиш асосида биринчидан, Украина(11-м) ва Ўзбекистон (23-м) ТҚФ тўғрисидаги қонун номларида “ТҚФга кўмаклашувчи шахс” Қозоғистон(13-м), Россия(17-м), Қирғизистон(20-м), Тожикистон (17-м) ва Беларусь(51, 52-м) ТҚФ тўғрисида қонун нормасида “ТҚФга кўмаклашувчи фуқаро” жумласи қўлланилгани; иккинчидан, Озарбайжоннинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига кўра, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари тезкор-қидирув фаолияти субъектларига ёрдам бериши; учинчидан, Литва қонунига кўра, махсус тартибга амал қилиш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар билан ТҚФ субъектлари ва ходимлари томонидан оғзаки ва ёзма шартномалар тузилмаслиги кабилар назарда тутилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунни 23-моддасида назарда “шахслар” ва “шахс” атамаларини “фуқаролар” ва “фуқаро” атамаси билан алмаштириш таклиф этилади.



<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 22.06.2026).